

Шоир мулла Хошим Солих ўгли Хайратий 1870 йилда Шахрихоннинг Бегвачча Кашкар махалласида хунарманд аравасоз оиласида дунёга келди. Ёшлигидан уни мактабдорлик килувчи амакиси мулло Жалил ўз тарбиясига олди. Амакиси унга хат-савод ўргатди, сўнгра бўлажак шоир дўсти Оразий билан бирга шахсий мутолаа кила бошлайди. Классиклар асарларини кунт ва чидам билан ўрганиш, улардаги маҳорат сирларини эгаллаш унда бадиий адабиётга хавас уйготади. Хайратий 1903 йилдан бошлаб шеърлар ижод кила бошлайди.

1897—1898 йиллари Мукимиининг Шахрихонга келиши, Оразий, Хайратий билан учрашиб, уларга ижодий йўлланмалар бериши, шоир учун хам унутилмас бир мактаб бўлди.

Хайратий 1916 йили Шахрихонда юз берган кўзголондан сўнг, Оразий сингари, Маргилон атрофида яшириниб юришга мажбур бўлади.

Шоир 1940 йилдан умрининг охиригача Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида истикомат килди. Шоир 1963 йилда шу ерда вафот этди.

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Аё гулчехра, сокий, кел кадах даврини ижод эт,  
Мухаббат коплаган гамлик дилим лутфинг била шод эт.

Паёпай тут кадахни, ташналик кетсин вужудимдан,  
Муруват бирла жисмим богини янгидан обод эт.

Кизил май акси рухсорингни гулгун айлади, э жон,  
Кизорган, яшнаган чогингда ман маҳзунни бир ёд эт.

Букун гамдан кутулдим, сухбатингта аржуманд ўлдим,  
Бериб бир коса, кўнглим зангини якбора барбод эт.

Куярман ишк ўтида доимо мисли самандардек,  
Халос этмокка, жоно, бу аламдан, манга имдод эт.

Ракиблар билмасин, килгил тараҳхум манга пинхоний,  
Талаб сандан шудир, э нозанин, бир бор дилшод эт.

Бу базми дилкушода Хайратийга марҳамат айлаб,  
Асир бўлгон дилимга раҳм кил, кайгудан озод эт.

\* \* \*

Ишк савдосида доим масканим майхоналар,

Бир пучак пулга сотарман масжиду бутхоналар.

Мохрўлар юзлари гулдек очилган то сахар,  
Базм аро даврон этар оку кизил паймоналар.

Масканим майхона бўлди, улфатим махмурлар,  
Саждагоҳим токи абруй пари жононалар.

Нася жаннатнинг шаробин менга, зоҳид, мактама,  
Дайр аро қўргил бориб гулгун кабо гулмоналар.

Бир пиёла май килур гам хонасини тор-мор,  
Юмшатиб мойил килур, бўлса дили сандоналар,

Ахраманлардан батар агёрдан безорман,  
Юргизар эл ўртасида асли йўқ афсоналар.

Хайрато, бир йўклабон келса нигорим олдима,  
Хўп тўйиб хуснига конгайди дили сўзоналар.

## ХАЖВИЯЛАР

\* \* \*

Биз мусулмонларга ўлганга азо килмок надур?  
Жидду жаҳд ила денгиз, бу можаро килмок надур?

Соч ёзиб, ўздан кетиб, кўкка етуриб навхалар,  
Содир айлаб хой-ху бирлан наво килмок надур?

«Сизни кўп кўрди худойим», деб тобутга ташланиб,  
Кош мен ўлсам, дебон, ўзни фидо килмок надур?

«Вой боламу,вой отам» деб, юзни тирнаб кон килиб,  
Кўп хотин ўздан кетиб, фарёду во килмок надур?

Чикса эркаклар ўликни кўтариб гар кўчага,  
Эргашиб киз хам хотинлар оху во килмок надур?

Яъни ким ўлса, унинг отин етаклаб кабрига,  
Уккипардан отнинг бошига жиго килмок надур?

Уч кун ўтмасдан хотин-кизлар либосин бошқалаб,  
Йил — ўн икки ой кийим-бошни каро килмок надур? .

Бас «йигирма», «кирк», «йил ошига» ер-мулкин сотиб,

Бор-йўқдан ажраб, ўзни мосиво килмок надур?

Яъни бир мискин ўлугига кетар бир канча пул,  
Ўлгани етмасми, ортиқча жафо килмок надур?

Коса сув устига бир чўпни қўйиб кирк кунгача,  
Келса арвохи, ўтирсин деб, рижио килмок надур?

\* \* \*

Эй ёру ошнолар, хам кавми босафолар,  
Дунё юзини тутди жанжолу можаролар.

Жанг эрди бир тарафда, анча узок биздан,  
Охирда бизни босди очлик деган балолар.

Бечора камбагаллар нон кўрмагай тушида,  
Уйда ётиб гўдаклар йиглаб килур наволар.

Бир ён совукнинг вахми, бир ёнда нонга мухтоҷ,  
Килмас тараҳхум асло боёни бесахолар.

Хар бир эшикда соил беш-олти, балки ўндири,  
Бўлди улуснинг ярми овкат учун гадолар.

Очликнинг хукми жорий, бечораларга кишда  
Нон кайда, бал ўтин йўқ, ўлмоккадир ризолар.

Соилга берсанг, аввал нон ёки бошқа нарса,  
Нон олмас эрди пул деб, айларди иддиолар.

Хозирда берсангиз пул, айтурки: «Парча нон бер,  
Нонсиз вужудим ўлди монанди қаҳраболар!»

Бир неча ахли кишлок ташлаб диёру мулкин,  
Овкат гамида бўлди фарзандидан жудолар.

Баъзи хотин боласин масжидга кетди ташлаб,  
Баъзи бировга берди йиглаб у бенаволар.

Кимматчилик узайди, борми бунинг давоси,  
Бойларда галла кўпдир, бермайди рўсиёхлар.

Хар жинс галлалар бор, попўшлар, дирам бор,  
Бойларга бўлса тайёр, хоҳ кеча, хоҳ саболар.

Бечораларнинг хаккин бермас ўзига харгиз,,  
Кишлокнинг каттасини айлар улар ризолар.

Бир ёнда нонга мухтож, бир ёнда босмачилар,,  
Горатчи муттахамлар элга килар жафолар.

Хар уйда доду фарёд, ким айлагай уни ёд,  
Бошин уриб пачоклар авбоши бехаёлар.

Хар кимнинг бўйга етган бўлса кизинолурлар.,  
Кон йигласа эшитмас, йўқ унга бир даволар.

Безор ўлиб халойик, хар кеча кизларини  
Саклашга гарнizonга айларди илтижолар.

Моли билан кизини элтарди крепосттга,  
Келтиргали борарди тонг вактида атолар.

Ўйланг, нечук бу кулфат, айлаб бўлурми токат,  
Минг босмачига лаънат, бадбаҳт, юзи каролар.

Том устида халойик, хар кеча уйкусизлик,  
Гар ёгса кор, ёмгур йиглайди бенаволар.

Билганда босмачилар нарвон кўйиб чикарлар,  
Гар кочса томда отиб, жисмин килур фанолар.

## МАРДИКОР ОЛДИ

(1916 йилдаги лошмон, яъни мардикор жанжалидан бошлаб Фаргонада бўлган  
ходисалар)

Биродарлар, келинглар, бизга бир янги замон ўлди,  
Жаҳон айвонида бу номимиз бир қахрамон ўлди.

Эди бир мингу тўккиз юз ўн олти рўза ойида,  
Июль ойига ўн бир эрди бир шўриш аён ўлди.

Ки, яъни мардикор олмокчи фармони келиб бирдан,  
Халойик ўртасида аскар олмок, деб гумон ўлди.

Бу янги иш эди халк ўртасида бўлмагай жорий,  
Бу иш хам бир сабабдек кайнатилган бир казон ўлди.

Тамоми порахўр бўлган эди хоким, приступлар,  
Иши битмас эди, гар бермаса, шундай замон ўлди.

Амалдорлар хамиша бойга айлар эрдилар хизмат,  
Уларга ишчи-дехконларни ашёси талон ўлди.

Эшитмас эрди дехкон арзу додин кози, мингбоши,  
У золимларни килган зулми кун-кундан ёмон ўлди.

На килсин камбагаллар, кайга борсин, кимга арз этсин?  
Мисоли кўй каби дехконлара бўри шубон ўлди.

Амалдорларга ёрдамчи бўлиб бой бирла эшонлар,  
Фирибгар омидан хам салла бойлаб бир эшон ўлди.

Жаҳонга келмасин асло ўшал золим хукуматлар,  
Букун эл яйрадилар хам гадолар алъамон ўлди.

Муродим мардикор олмокни таърихин ёзиш эрди,  
Ва лекин четга чиқдим, бир кўшимча достон ўлди.